

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКИМОВ ТАИР**

**ХИТОЙ ТИЛИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР:  
ШАКЛЛАНИШИ ВА СЕМАНТИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Акимов Таир**

Хитой тилидаги соматик фразеологизмлар:  
шаклланиши ва семантикаси ..... 3

**Акимов Таир**

Соматические фразеологизмы китайского языка:  
формирование и семантика..... 25

**Akimov Tair**

Somatic phraseological units in Chinese:  
formation and semantics..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКИМОВ ТАИР**

**ХИТОЙ ТИЛИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР:  
ШАКЛЛАНИШИ ВА СЕМАНТИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1509 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Содиқов Қосимжон Позилович**  
филология фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дадабоев Ҳамидулла Арипович**  
филология фанлар доктори, профессор

**Насирова Саодат Абдуллаевна**  
филология фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д.

**Х.З. Алимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида фразеологизмларни, уларнинг халқ маданияти, менталитети, лисоний тасаввурлари билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу билан бир қаторда, хитой тилидаги фразеологизмларни ўрганиш хитой тилининг ўзига хос хусусиятларини, халқ миллий-маънавий тафаккурини теран англаш имкониятини ҳам беради. Хитой миллатининг урф-одати, менталитети, минг йиллар оша тўплаган лисоний тафаккури, маданияти ва маънавияти унинг луғат бойлиги, жумладан, фразеологик қатламларида акс этади.

Дунёдаги ҳар қандай тилнинг фразеологизмлар фондининг 30% ни соматик фразеологизмлар ташкил этади <sup>1</sup>. Синологияда хитойча фразеологизмлар атрофлича таҳлил қилинганига қарамай, уларнинг ичидаги ноёб қатлам саналмиш соматик фразеологизмлар этимологик, лексик-семантик, лингвомаданий аспектларда ҳали етарлича тадқиқ этилган эмас. Ваҳоланки, улар фразеологик қатламнинг энг эски ва яшовчан, тилнинг услубий ривожланганини белгиловчи, ниҳоятда такомиллашган таркибий қисми бўлиб, уларда халқ маданиятининг муҳим қирралари, асрий удум ва анъаналари, миллий қадриятлари ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасида ҳар томонлама муносабатлар ривожланиб бормоқда. Жумладан, илм-фан соҳасидаги алоқалар ҳам кучаймоқда. «Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади» <sup>2</sup>. Икки давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун тил ва маданият кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Хитой маданияти фразеологик бирликларда акс этган бўлиб, уларни чуқур англаш тилни мукамал ўрганишга кўмак берибгина қолмай, уларнинг маданиятини тушунишга ҳам катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги <sup>3</sup> Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» <sup>4</sup>, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни

<sup>1</sup> Омиралиева Ж.К. Национально-культурная специфика конвенциональных фразеологизмов с соматизмами: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Алматы, 1999. – 27 с.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 11 майда ХХРга ўтказилган давлат ташрифи доирасида Хитой Раиси Си Цзинпин билан учрашувда сўзланган нутқ. // Ўзбекистон-Хитой: стратегик шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида: [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 12-05-2017.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4791086>

ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>5</sup> ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хитой тилидаги фразеологизмлар алоҳида бирлик сифатида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўрганиб келинмоқда. Фразеологизмлар хитой халқи ичида сайқалланиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган тил бойлигидир. Кейинги йилларда фразеологизмларнинг тузилиши, семантикаси ва ундаги ментал этик-эстетик хусусиятларни ўрганишга бўлган эътибор тобора ошиб бормоқда.

Соматик фразеологизмларни биринчилардан бўлиб таҳлилга тортган ва соматик фразеологизмлар деб номлаган тилшунос Ф. Вакк уларни уч гуруҳга бўлади: инсон, одам ва жонзотлар ҳамда жониворлар билан боғлиқ фразеологизмлар<sup>6</sup>.

Соматик фразеологизмлар бўйича В. Н. Телия, Ма Лин, В.В.Чуднов, И.Е.Городецкая, Н.В.Масалева, Сапегина И.А.<sup>7</sup> лар илмий изланишлар олиб борган. Хитой тилшуносларидан Тянь Цзюнь, У Шу-Хуа, Гуанцзе Чжэн, Ма Гуофан, Сун Вейжанг, Чанг Жингю, Сун Венхуа, Ванг Тўнгвей, Хўу Леи, Жу Личун, Суй Шаншан, Янг Жиачиўнг<sup>8</sup> ва бошқалар хитой тилидаги соматик

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/5426736>

<sup>6</sup> Вакк Ф.О. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Таллин, 1964. – С.30.

<sup>7</sup> Телия. В. Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты: Монография – Москва, 1996. – 288 с.; Ма Лин. Фразеологизмы, характеризующие психоэмоциональное состояние человека, как репрезентанты русской и китайской языковых картин мира: Дисс. ...канд.филол.наук. – Уфа, 2017.–169 с.; Чуднов В.В. Соматическая лексика в аспекте преподавания русского языка как иностранного (на материале тематической группы «Наименования внутренних органов человека»): Авторефер. дисс. ...канд. филол.наук. – Москва, 2007. – 26 с.; Городецкая. И.Е. Фразеологизмы-соматизмы в русском и французском языках: Авторефер. дисс. ...канд. филол. наук. – Пятигорск, 2007. – 23 с.; Масалева.Н.В. Соматизмы в русской языковой картине мира: Авторефер. дисс. ...канд. филол. наук. – Иваново, 2010. – 15 с.; Сапегина И.А. Концепт сердце как доминанта эмоциональной картины мира в русском языке в зеркале китайского языка: Авторефер. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2011. – 20 с.

<sup>8</sup> Тянь Цзюнь. Структурные и семантические особенности соматических фразеологизмов в русском и китайском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2001. – 24 с.; У Шу-Хуа. Русские фразеологизмы с компонентами "голова", "рука", "сердце" на фоне китайского языка: Дисс. ...канд. филол. наук. – СПб., 2007. – 207 с.; Чжэн Гуанцзе. Фразеология тела в русском языке глазами носителя китайской лингвокультуры: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук.– Москва, 2013. – 24 с.; 马国凡. 成语概论. 呼和浩特, 1973年. – 331页. Ма Гуофан. Фразеологизмлар ҳақида умумий тушунча. – Hū hé hào tè, 1973. – 331 б.; 孙维张. 汉语熟语学. 吉林教育出版社, 1988年. – 389页. Сун Вейжанг. Хитой тилидаги фразеологизмларни ўрганамиз. – Жилин: Таълим, 1988. – 389 б.; 常敬宇. 汉语词汇与文化. 北京大学出版社, 2018年. – 325页. Cháng Jìngyǔ . Хитой тилида сўз ва маданият. – Пекин университети нашриёти, 2018. – 325 б.; 孙文华. 中华成语千句. 二十一世纪出版社 南昌 2018年. – 156页. Sūn Wénhuá. 1000 та хитой иборалари. – Nán chāng: 21 аср нашриёти, 2018. – 156 б.; 王彤伟. 魅力成语. 四川辞书出版, 2018年. – 659页. Wáng Tóngwěi. Иборалардаги сеҳрли куч. – Sichuan: Луғат нашриёти, 2018. – 659 б.; 侯蕾. 成语故事大讲堂. 中国华侨出版社, 2017年. – 23页. Hóu Lěi.

фразеологизмларнинг сўзлашув тилида тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритганлар.

Ма Гуофан «Фразеологизмлар ҳақида умумий тушунча» номли китобида хитой тилидаги соматик фразеологизмларнинг энг қадимги 文言 венъянь тилига бориб тақалишини илмий асослаб берган<sup>9</sup>. 文言 венъянь сўзининг маъноси «маданият тили» ёки «маданиятли инсонлар сўзлашадиган тил» демакдир. Масалан: 承欢膝下 chéng huān xī xià – жаннат оналарнинг тиззасида – «жаннат оналарнинг оёғи остида» соматик фразеологизмидан бола онанинг тиззасида ўтириб овқатланади ва эркаланади, онадан меҳр олади, бу эса бола учун жаннатдир, деган мазмун англашилади. Ушбу фразеологизм қадимги венъянь тилига тааллуқли эканлиги ва унда чуқур мантиқий-фалсафий фикр борлиги зикр қилинган.

Суй Шаншан «Рус ва хитой тилларидаги «кўз», «қулоқ» сўзлари иштирокидаги бир қолипга тушган фразеологизмларни ўрганиш»<sup>10</sup> номли илмий ишида «кўз» ва «қулоқ» сўзлари билан келадиган фразеологизмларни таҳлил қилган, лекин «кўз» сўзининг турли даврларда ҳар хил номланиши ҳақида тўхталиб ўтмаган. Хусусан, «目 mù, 眼 yǎn»лар «眼睛 yǎnjīng»га нисбатан соматик фразеологизмларда фаол иштирок этишини назардан четда қолдирган.

Таиландлик Метасит Бўнпатчаранўннинг «Хитой ва таиланд тилларидаги «юррак» сўзининг фразеологизмлардаги маъносини ўрганиш» номли тадқиқотида «юррак» сўзининг соматик фразеологизмлар таркибида сермахсул бўлиб, ўзига хос хусусиятлар касб этиши ва турли мазмунни ифодалаши уқтириб ўтилган<sup>11</sup>. Бироқ «心» юрак калити билан иероглифлар бирга келиб, «ўйлаш; фикр қилиш», «ишониш», «буйруқ бериш» каби маъноларни англантиши, шунингдек, фразеологизмларнинг кўнгил ва илоҳий тушунчаларга боғлиқ томонлари ўрганилмаган.

Йин Гуййининг «Хитой тилидаги «кўз» билан боғлиқ фразеологизмларнинг когнитив таҳлили» мавзусидаги диссертациясида кўзга алоқадор фразеологизмлар таснифланиб, когнитив таҳлиллар олиб борилган ва хитой тилидаги фразеологизмларда «кўз» билиш, идрок қилишда сермахсул эканлиги ёритилган

---

Хитой иборалари ҳақида суҳбат. – Huáqíáo нашриёти, 2017. – 363 б.; 朱立春. 中华成语故事. 北京联合出版社, 2019年. – 425页. Zhū Lìchūn. Хитой иборалари ҳақидаги ҳикоялар. – Пекин: Lianhe нашриёти, 2019. – 425 б.; 崔姗姗. 俄汉“眼, 耳” 熟语语言定型对比研究. 硕士学位论文 哈尔滨师范大学, 2015年. – 63页. Cui Shānshān. Рус ва хитой тилларидаги «кўз», «қулоқ» сўзлари иштирокидаги бир қолипга тушган фразеологизмларни ўрганиш: Филол. фан. номз. ... дисс. – Харбин филология университети, 2015. – 63 б.; 杨佳琼. 汉语四字人体成语形成的认知研究. 江西师范大学, 2016年. – 58页. Yáng Jiāqióng. Хитой тилидаги тўрт иероглифдан ташкил топган киши тана аъзолари билан шакланган фразеологизмларнинг когнитив таҳлили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Jiāngxī педагогика университети, 2016. – 58 б.

<sup>9</sup> 马国凡. 成语概论. 内蒙古人民出版社 呼和浩特, 1973年. – 11页. Mǎ Guófán. Иборалар ҳақида умумий тушунча. – Hū hé hào tè: Ички мўғул халқ нашриёти, 1973. – Б.11.

<sup>10</sup> 崔姗姗. Cui Shānshān. Кўрсатилган диссертация.

<sup>11</sup> Metasit Boonpatcharanon. 汉泰含“心” 的成语意义对比研究. 硕士学位论文. 浙江大学 2017年. – 77页. Metasit Boonpatcharanon. Хитой ва Тайланд тилларидаги «юррак» сўзи билан боғлиқ ибораларни таққослаб ўрганиш: Филол. фан. номз. ...дисс. – Zhèjiāng университети, 2017. – 77 б.

бўлса-да <sup>12</sup>, соматик фразеологизмларда «юрак» сўзининг идрок қилишда сермахсуллигига эътибор қаратилмаган.

Ян Шинфанг «Бош қисмидаги тана аъзолари иштирокида ясалган фразеологизмларнинг семантик таҳлили» номли илмий ишида <sup>13</sup> киши бош қисмидаги аъзолар номи фразеологизмлар таркибида қандай маъноларни ифодалаши ўрганилган. Бунда 头 tóu – бош, 首 shǒu – бош билан келадиган фразеологизмлар таҳлилга тортилган, аммо 头 tóuнинг хайвонларга, 首 shǒuнинг эса инсонларга нисбатан қўлланиши ҳақида фикр билдирилмаган.

Ўзбек тилшунослигида соматик фразеологизмларнинг шаклланиши ва уларнинг матн таркибидаги функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, Ш.Абдуллаев, Ҳ.Ҳамидов, Ли Ямей <sup>14</sup> ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Жумладан, А.Исаевнинг номзодлик диссертациясида соматик иборалар атрофлича тадқиқ этилган <sup>15</sup>. А.Исаевнинг тадқиқоти натижаларига кўра, ўзбек тили соматик фразеологизмлари орасида «кўз», «оғиз», «қўл», «юрак» компонентлари энг маҳсулдор ҳисобланади. Хитой тилида эса «бош», «кўз» ва «юрак» компонентли соматизмлар бошқа тана аъзоларига нисбатан сон жиҳатдан кўп, кундалик ҳаётда фаол қўлланилади.

Х.З. Алимова ўзининг илмий ишида дарий тилидаги соматизмларнинг ясалиши хусусида сўз юритар экан, ўзбек тилидаги «кўзи оч», «кўзи ёриди», «кўз юмди» каби фразеологизмларда «кўз» сўзи кўчма маънога эга эканлигини таъкидлайди <sup>16</sup>. Хитой тилида ҳам фразеологизмлар таркибидаги «кўз» лексемаси кўчма семани англатади. Хитой тили соматик фразеологизмларини ташкил этган компонентлар бирламчи маъносида эмас, балки кўчма маънода келади.

Ш.Р.Усманова ўз тадқиқотида фразеологизмлар семантикаси, уларнинг гуруҳлари ҳақида фикр билдириб: «соматик фразеологизмлар кенг тушунилиши керак. Агар хайвон тана аъзолари номлари кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ифодалайдиган фразеологизмлардан ташкил топса, у ҳолда бундай фразеологизмларни ҳам соматик фразеологизмлар таркибига киритиш лозим» <sup>17</sup>, – деб ёзади.

Хитой тилшунослигида соматик фразеологизмлар 人体成语 réntǐ chéngyǔ деб аталади. Бунда фақат киши тана аъзолари билан боғлиқ фразеологизмлар

<sup>12</sup> 尹桂英. 汉语眼睛成语的认知研究. 湖南师范大学 外国语学院, 2015 年. – 76 页. Yǐn Guìyīng. Хитой тилидаги «кўз» билан боғлиқ фразеологизмларнинг когнитив таҳлили: Филол.фан.номз. ...дисс. – Нўпáн педагогика университети чет тиллар факультети, 2015. – 76 б.

<sup>13</sup> 颜新芳. 含头部类身体部位语素的成语语义研究. 江西师范大学, 2016 年. – 65 页. Yán Xīnfāng . Бош қисмидаги тана аъзолари иштирокидаги морфемаларнинг фразеологизмлардаги семантик таҳлили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Jiāngxī педагогика университети, 2016. – 65 б.

<sup>14</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент, 1992. – 379 б.; Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд, 1998. – 204 б.; Маматов А.Э. Ўзбек тилининг фразеологияси. – Тошкент, 2019. – 260 б.; Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2007. – 157 б.; Ҳамидов Х.Х. Турк фразеологияси масалалари. – Тошкент, 2019. – 158 б.; Ли Ямей. Хитой тили гуаньюньюларининг семантик ва структур хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс.автореф – Тошкент, 2011. – 26 б.

<sup>15</sup> Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1976. – 196 с.

<sup>16</sup> Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол. фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б.17.

<sup>17</sup> Усманова Ш.Р.Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар: Филол.фан.номз. ...дисс. – Тошкент, 1998. – 162 б.



тушунилади, яъни хитой тилшунослари ҳайвон тана аъзолари билан боғлиқ фразеологизмларни соматик фразеологизмлар таркибига киритмайдилар. Муҳими шундаки, фразеологизмлар ҳайвон тана аъзоларига алоқадор бўлса-да, улар кишилар ҳаёти, турмуш тарзи, хулқ-атворини назарда тутати. Шунинг учун Ш.Р.Усманованинг фикрига қўшилган ҳолда, ҳайвон тана аъзолари билан боғлиқ хитой тилидаги фразеологизмлар кишиларнинг хулқ-атвори, характери, психологиясини ифодаласа, уларни соматик фразеологизмлар сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Хитой тилшунослари томонидан соматизмлар бўйича олиб борилган тадқиқотларга назар солсак, соматик ибораларни ҳар хил атаб келинганлиги кўзга ташланади, масалан: 躯体用语 qūtǐ yòngyǔ, 人体成语 réntǐ chéngyǔ, 人体器官 réntǐ qìguān, 躯体化 qūtǐ huà<sup>18</sup> каби тўрт хилда номланиши кузатилади.

У.М.Рашидова тадқиқотида «кўз», «қўл» ва «юррак» таркибли соматик фраземаларнинг ўзбек тили материаллари асосида мазмун-моҳиятини аниқлаган ва матнда қўлланиш хусусиятларини семантик-прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этган<sup>19</sup>. У компьютер дастурлари ёрдамида бадиий ва публицистик матнларда қўлланган «кўз», «қўл» ва «юррак» компонентли соматик фразеологизмларнинг маълумотлар базасини яратган. Биз хитой тилидаги «кўз», «бош» ва «юррак» компонентли соматик фразеологизмларнинг маълумотлар базасини яратишга ҳаракат қилдик.

Н.А.Турапованинг диссертациясида япон ва ўзбек тилларидаги «мэ»/«кўз» компонентли соматик фразеологизмлар таҳлилга тортилган. Япон тилида «目 мэ - кўз» сўзи билан келадиган фразеологизмлар ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги баён қилинган<sup>20</sup>. Япон тилида «кўз» сўзи «目 мэ», хитой тилида «目 mù» шаклида қўлланса-да, маънолари бир хил. Лекин хитой тилида вақт ўтиши билан «目 mù» сўзи ўрнини «眼 уян, 眼睛 уянjīng» лексемалари эгаллаган ва улар иштирокида соматик фразеологизмлар шаклланган. «Кўз» сўзи билан ясалган соматик фразеологизмлар ичида сон жиҳатдан «目 mù» варианты кўп учрайди.

Соматик фразеологизмлар асрлар оша сайқалланиб, халқ ичига сингган, улар панд-насихат характериға эга, яхшиликка, сахийликка чорлайди, очкўзлик, хасислик, ҳасад, қора ният қилишнинг шармандалик, ёмон оқибатларини таъсирли, образли фикрлар билан етказиб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

<sup>18</sup> 郭芳睿. 人体成语”的认知语义分析. 博士论文. 吉林大学, 2006年. – 54页. Guō Fāngruì. Рус тилидаги соматик фразеологизмларнинг когнатив таҳлили. Филол.фан.номз. ...дисс. – Жилин университети, 2006.– 54 б.; 谢丽芝. 汉语人体成语的认知机制研究. 曲阜师范大学, 2012年. –77页. Xiè Lìzhī. Хитой тилидаги киши тана аъзолари билан боғлиқ ибораларнинг когнатив механизм таҳлили: Филол.фан.номз. ...дисс. – Чуфу педагогика университети, 2012. – 77 б.; 朱艳丽, 注新建. 躯体化: 痛苦表达的文化习惯语.//东北大学学报(社会科学版) – 2011年5月. Zhū Yànlì, Zhù Xīnjiàn. Somatization: Culture Idiom of Distress Expression.//Journal of Northeastern University (social science). – 05.2011.

<sup>19</sup> Рашидова У.М. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида):Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2018.– 22 б.

<sup>20</sup>Турапова Н.А. Япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларининг чоғиштирма таҳлили (лингвомаданий аспект): Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 24 б.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларида келтирилган «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари», шунингдек, Хитой филологияси кафедрасининг «Хитой тили, хитой халқ маданияти, урф-одатлари ва шарқ тилларини ўқитиш услублари» илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хитой тилидаги «бош», «кўз», «юрак» компонентли соматик фразеологизмларнинг структураси ва лексик-семантик хусусиятлари, хитой бадиий адабиёти ва нутқ жараёнида қўлланиш даражаларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

веньянь тил ўлчовлари асосида шаклланган соматик фразеологизмларни аниқлаш;

хитой бадиий адабиёти ва публицистик матнларида қўлланадиган «бош», «кўз» ва «юрак» компонентли соматизмларнинг маълумот базасини яратиш;

хитой тилидаги «бош», «кўз», «юрак» компонентлари билан боғлиқ соматик фразеологизмларнинг шаклланиши, семантик ва тузилиш хусусиятларини ёритиш;

«бош», «кўз» ва «юрак» компонентли соматик фразеологизмлардаги синонимия ва антонимия ҳодисаларини тадқиқ этиш;

хитой тилида мавжуд соматик фразеологизмларни йиғиш, ўрганиш ва тизимлаштириш, шунингдек, уларнинг семантикасини аниқлаган ҳолда қисқача изоҳли луғат тузиш.

**Тадқиқотнинг объектини** хитой тилидаги «бош», «кўз», «юрак» компонентли соматик фразеологизмлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** «бош», «кўз», «юрак» компонентли соматик фразеологизмларнинг шаклланиши, семантикаси ва структурасини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда систем-структур, тавсифлаш, таснифлаш, лингвомаданий, компонент таҳлил ва лингвостатистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

хитой тили соматик фразеологизмлари ўзбек синологиясида умумлаштирилиб, мазкур жараёнда тилда амал қилган қонуниятлар ва уларнинг сўзлашув тилида катта аҳамиятга эга эканлиги очиқ берилган;

«бош», «кўз», «юрак» компонентли соматик фразеологизмларнинг шаклланиши ва семантикаси аниқланиб, «юрак» компонентли фразеологизмларнинг сермахсуллиги аниқланган;

«бош» сўзи билан боғлиқ фразеологизмларда 首 shǒu «бош»га нисбатан 头 tóu «бош» сон жиҳатдан кўплиги, 头 tóu аксарият ҳайвонларга, 首 shǒu эса кишиларга нисбатан қўлланилиши далилланган;

хитой матбуот материалларида баъзи бир фразеологизмларнинг семантик жиҳатдан хато ишлатилаётгани («视 shì – кўрмоқ» билан «看 kàn – кўрмоқ» сўзларининг 刮目相视 guā mù xiāng shì, 刮目相看 guā mù xiāng kàn – бошқача кўз билан қарамоқ) ибораларда ўрни алмаштирилиб қўлланаётгани аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

диссертациядан чиқарилган хулосалар хитой халқининг маданияти ва менталитетини ўрганишга ҳисса бўлиб кўшилган;

тадқиқот давомида хитой халқи дунёқарашининг ўзига хос жиҳатларини англаш, ўзаро муносабатлар олиб боришда қўл келиши мумкинлиги ҳақидаги хулосаларга келинган;

фикрлаш, сезиш, идрок этишда «юрак» компонентли соматик фразеологизмларнинг бошқа компонентлар билан келадиган соматик фразеологизмларга нисбатан фаол эканлиги ҳамда «юрак» компоненти иштирокидаги ибораларнинг сон жиҳатдан кўплиги аниқланган;

хитой тилидаги соматик фразеологизмларнинг қисқача луғати тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** масаланинг аниқ белгиланганлиги, хулоса ва натижалар илмий манбаларга таянигани, фойдаланилган мисоллар Хитойда нашр этилган соҳага оид манбалар, классик асарлар («西游记 xī yóu jì» – «Ғарбга саёҳат»; «三国演义 Sānguó yǎnyì» – «Уч қироллик»; «红楼梦 hóng lóu mèng» – «Қизил кўшкдаги туш»; «水浒传 Shuǐ Hǔzhuàn» – «Дарё ўзанлари»), изоҳли луғатлар ва матбуотда эълон қилинган мақолалардан олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвомаданият соҳасидаги изланишлар доирасини янада кенгайтириш, хитой тилидаги соматик фразеологизмлар семантикасининг ўрганилиши, тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари, чиқарилган назарий хулосалар фразеологик бирликлар назариясини бойитишга, янгича ёндашувларга асос бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хитой тилидаги соматик фразеологизмларни ўрганиш лексикология, фразеология ва лингвомаданиятшунослик соҳаларининг назарий жиҳатларини тўлдириш, хитой тили лексикологияси, синхрон таржима кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус курслар каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини бойитиш, олий ва ўрта таълим тизимида хитой тилини ўқитиш, луғатлар тузиш, битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хитой тили соматик фразеологизмлари шаклланиш ва семантикаси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хитой тилидаги соматик фразеологизмларнинг илмий таҳлили натижалари хитой халқнинг урф-одатларини, маданияти ва менталитетини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган (ХХР Шанши педагогика университетининг 2021 йил 1 мартдаги 05-0321-сон маълумотномаси). Пировардида, хитой тилини кенг ўрганиш учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган. Тадқиқотда тўпланган маълумотлар хитой тилини мукамал ўрганишга муҳим материал бўлиб хизмат қилган;

ҳозирги хитой тилида соматик фразеологизмларни тўғри қўллаш ва муқобил вариантларини таржима қилиш, ёзма ва оғзаки нутқда ифодалаш борасида

олинган хулосалардан Конфуций номидаги Ўзбек-хитой институти илмий йўналишларида, ўқув жараёнида, хусусан, «Хитой тили» дарсларида қўлланилган (Конфуций номидаги Ўзбек-хитой институтининг 2021 йил 10 январь 1-сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар тингловчиларда соматик фразеологизмлардан оғзаки ва ёзма мулоқотда тўғри истифода этиш ҳамда таржима қилиш кўникмасини ҳосил қилишга хизмат қилган;

хитой тили фразеологизмларининг таржима ва лингвомаданий хусусиятларидан олинган натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан намойиш этилган 52 қисмли «Ғарбга саёҳат» мультсериалини таржима қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали ДУК, 2020 йил 19 февраль 01-35-401-сон маълумотномаси). Натижада хитой тилидаги фразеологизмларни тўғри тушунтириш ҳақидаги савол-жавоблар радио эшиттириш мазмунини бойитишга ва тингловчиларнинг хитой тилидаги фразеологизмларга оид билимларини чуқурлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, битта уч тилли луғат, битта лицейлар учун дарслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 таси республика ва 1 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми (фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташқари) 131 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хитой тили соматик фразеологизмларининг шаклланиши ва назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида соматик фразеологизмлар ҳақидаги умумназарий қарашлар шарҳланган, венъянь тил ўлчовлари асосида яратилган соматик фразеологизмларнинг хитой тилида тутган ўрни, уларнинг шаклланиши ва тараққиёти таҳлилга тортилган.

Фразеологизмларнинг ўзига хос шаклланиш жараёнлари уларни оддий сўз бирикмаларидан фарқлайди. Уларнинг шаклланиши лисоний ва нолисоний омиллар билан ҳам боғлиқдир. Фразеологизмларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, биринчидан, тарихий жараёнлар, ижтимоий муҳит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, сиёсий-маънавий қарашлар, иккинчидан, тилнинг грамматик қонун-қоидалари каби омиллар билан узвий алоқадордир. Шаклланиш даврида фразеологизмлар ҳам лексика каби тилнинг ички қонуниятлари – фонетик, лексик-семантик, грамматик талабларга бўйсундирилади<sup>21</sup>.

Соматик фразеологизмлар луғат таркибининг муҳим қисмини ифодалайди ва инсон ҳаётида кўп қўлланилади. Хитой тили соматик фразеологизмлари ниҳоятда мураккаб бирлик бўлиб, уларнинг матндаги маъно-мазмунини тушуниш анча қийин.

Хитой тилидаги соматик фразеологизмлар шаклланишига кўра, асосан тўртта иероглифли бир қолипга тушган турғун бирикмалар бўлиб, ўзига хос қурилиши, грамматик, стилистик, фонетик ва бошқа тиллардан ажралиб турадиган ритм, оҳангдорлик ва мос қофияларга эгадир.

Соматик сўзлар фразеологизмлар яратиш имконияти туфайли ҳар қандай тилнинг фразеологик таркибида улкан ва маҳсулдор гуруҳлардан бирини ташкил этади. Соматик фразеологизмларни шакллантиришнинг энг самарали усули – уларнинг метафора ёки метонимик трансфер асосида воқеланиши ҳисобланади.

Соматик фразеологизмларда ҳар бир миллатнинг ўзига хос менталитети, урф-одати, ирим-сиримлари, меҳнаткашлик ва дангасалик, маданияти, дини, инсоннинг характери, яхши ва ёмон, рост ва ёлғон, адолат ва зулм, миннатдорлик ва ношукрчилик, меҳмондўстлик ва хасислик, манманлик ва камтарлик, таълим ва тарбия, ҳурматлаш ва кўзга илмаслик, донолик ва нодонлик, айёрлик ва ҳиссиёт каби бир қанча тушунчалар акс эттирилган.

В.Виноградов фразеологик бирликларнинг моҳияти уларнинг шаклий турғунлигида, деб ҳисоблайди. Фразеологизмлар нутқ жараёнининг ҳар бир актида алоҳида сўз шаклида пайдо бўлмайди, балки инсон онгида тайёр ҳолда етилади, сўнгра мулоқотда мустақил сўзларнинг табиий қотишмасига ўхшаб, маъно жихатидан яхлитланишни юзага келтиради<sup>22</sup>.

Тилшунослар соматик фразеологизмларни тор ва кенг маънода тушунади. Тор маънода тушунилганда, фақат одам тана аъзоларини ифодаловчи соматизмлардан таркиб топган фразеологизмлар назарда тутилади, кенг маънода тушунилганда, таркибига соматик компонент сифатида киши тана аъзоларигина эмас, балки жонзод тана аъзолари ҳам киритилади. Бу борада хитойлик тилшунослар бирор фикр билдирмаган бўлсалар-да, киши ва жонзотларнинг тана аъзолари билан боғлиқ фразеологик бирликлар ҳақида алоҳида илмий изланишлар олиб борганлар.

<sup>21</sup> Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. Монография. – Тошкент, 2018. – Б.7.

<sup>22</sup> Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977. – С.118-139.

А.Маматовнинг таърифига кўра, фразеологизмларнинг асосий белгиси тўлиқ ва қисман семантик жиҳатнинг лексик бирликлардаги кўчма маъно намоён қилиши ҳисобланади. Олим қатъий таъкидлаганидек: «Фразеологияни «кенг» ва «тор» маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак»<sup>23</sup>.

Тадқиқот нуктаи назаридан хитой тилшунослигида фразеологик бирликларни ўрганишга бағишланган ишларга мурожаат этар эканмиз, бу борада кўплаб изланишлар борлигига гувоҳ бўламиз. Умуман, ибораларни ўрганиш хусусида турли қарашлар мавжудлиги кузатилади: баъзи хитойлик олимлар фразеологизмларни кенг маънода 熟语 shúyǔ (ФБ) атамасини қўлласа, баъзилари тор маънода 成语 chéngyǔ (ФБ) атамасини қўллайди, яна бошқалари 成语 chéngyǔни кенг ва тор маънода тушуниб келмоқда. Хитойлик тилшунослар ҳам фразеологизмларни кенг ва тор тушуниш ҳақида бир қарорга кела олмаганликлари яққол кўзга ташланади. Хитой тилида чоп этилган манбаларни ўрганиш жараёнида, бу масалада хитой тилшуносларини кўпроқ «成语 chéngyǔ»ларни ўрганиш масаласи қизиқтириб келганлиги кузатилади. Бунга сабаб, биринчидан, бошқа ФБларга қараганда chéngyǔларнинг сон жиҳатдан кўплиги; иккинчидан, кундалик ҳаётда кенг истеъмолда бўлиши; учинчидан, chéngyǔ ҳозирги замон хитой тили лексик-грамматикаси ва унинг тарихини ўрганишда муҳим восита эканлигидир. Chéngyǔлар тузилиши жиҳатдан 2 иероглифдан 14 иероглифгача бўлиши мумкин. Шулардан 96% дан кўпроғи 4 иероглифли бўлади. М.: 涂鴉 tú yā – «қарғанинг оёғидек ёзмоқ; хунук ёзмоқ»; 鸡肋 jī lè – «товуқнинг қовурғаси; ичрай десам аччиқ ошим, тўқай десам увол ошим» фразеологизми «маъносиз; ахамиятсиз» каби маъноларни англатади.

Ҳозирги кунда хитой тилшунослиги жадал суръат билан одимлаб бормоқда. Фразеологизмларнинг тарихий илдизларига назар солинса, chéngyǔларнинг вэньян тили билан боғлиқ эканлиги кўринади. О.В. Чибисова, И.В. Каминская «成语 chéngyǔларнинг асосий ўзаги қадимги хитой 文言 wényán тилидан олинган. 文言 wényán ҳозирги замон тили билан ўхшашлиги жуда оз бўлганлиги учун кўпгина 成语 chéngyǔларнинг маъносини иероглифлардан тушуниб олиш қийин»<sup>24</sup> деб ёзганлар. А.Холевонинг фикрича, кўпгина хитойча фразеологизмлар жуда узоқ вақтлар олдин пайдо бўлган ва ўз шаклларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда бизгача етиб келган. Шунинг учун улар кўпинча вэньянга хос бўлган ҳозирги тил учун ғайриоддий шакл ҳисобланган лингвистик воситаларнинг архаик табиати билан ажралиб туради<sup>25</sup>.

Ҳақиқатан, 文言 wényánда ёзилган матн ва ибораларни ҳозирги кунда хитойликлар ўқиб тушуниши қийин бўлиб қолгани сабабли тилшунослар 文言 wényánдаги матн, ибораларни ҳозирги замон хитой тилига талқин қилиб, изоҳлар билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

<sup>23</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. –Б. 212.

<sup>24</sup> Чибисова О.В., Каминская И.В. Концепт «время» в русской и китайской лингвокультурах. – Вестник Рязанского государственного университета им. С.А. Есенина, 2012. № 2. – С. 95–104.

<sup>25</sup> Холево А.С. Эффективные способы изучения китайских фразеологизмов. // Карповские научные чтения. Сборник научных статей. Выпуск 9. – Минск, 2015. – С.124.

Ма Гуофаннинг ёзишича: «Фраземаларда 文言 wényán тил хусусиятлари жуда равшан акс этган»<sup>26</sup>. М.: 喙长三尺 huì cháng sān chǐ– «оғзи бир метр; гапга чечан; гапга уста». 喙 huì – қадимда «оғиз» маъносини ифодалаган, ҳозир 喙 huì тарзида қўлланилса, хитойликлар тушунмайди. Бугунги кунда «оғиз» маъноси 嘴 zuǐ лексемаси билан ифодаланади.

Хитой матбуотида журналистлар томондан ёзилган баъзи бир мақолаларда фразеологик бирликлардаги сўзларнинг маъноси ёки фразеологизмларнинг ноўрин қўлланилиб келаётгани кузатилади. М.: «刮目相视 guā mù xiāng shì»; «刮目相看 guā mù xiāng kàn» – бошқача кўз билан қарамоқ; янгича кўз билан қарамоқ. Ушбу фразеологизмларда «看 kàn» билан «视 shì» маъноси бир бўлса ҳам ўринларини алмаштириб қўллаш нотўғри, зеро, улар маъно жиҳатидан фарқ қилади. Бу фразеологизмда «看 kàn» сўзини қўллаш тўғри бўлади.

成语主要有两个来源: 一是来自历代的文献, 一是来自民间的口语。来自历代文献的有三种情况: 有的来源于古代寓言, 有的来源于历史故事, 有的来源于古代诗文<sup>27</sup>. Таржимаси: Хитой тилидаги фразеологизмлар асосан икки манба: биринчи, ўтган сулолалар ҳужжатлари; иккинчи, халқ оғзаки ижоди асосида шаклланган. Қадимги сулолалар ҳужжатлари заминидан шаклланган фразеологизмлар, ўз навбатида: қадимги масаллар, тарихий ҳикоялар ва шеърлардан келиб чиққан. М.: 灰头土面 huī tóu tǔ miàn – «уст-боши чанг бўлмоқ».

葛长庚 «菊花新» 词<sup>28</sup>: 灰头土面, 千河水, 把我如何洗? Gě Chánggēng «júhuā xīn» cí: huī tóu tǔ miàn, qiān héshuǐ, bǎ wǒ rú héxǐ? – Гэ Чанггэнгнинг «Янги хризантема» шеърдан парча:

*Усти бошим тўла гард,  
Минглаб дарё сувлари.  
Айбим қандай юваркан?*

«Иложсизликдан қилган гуноҳларимни минглаб дарё сувлари юва олармикан?» деган мисраларида кўчма маъно акс этган.

Бу фразеологизм будда дини таълимотига алоқадор бўлиб, муҳтожликдан қийналиб, иложсизликдан қийин аҳволда нотўғри иш қилганлик, нотўғри сўзлашга мажбур бўлганлик ҳолатларини ифодалаш учун қўлланган. Кўриб чиқилганидек, хитой тилидаги соматик фразеологизмларда хан халқнинг урф-одати, ирим-сиримлари, дини, маданияти, яшаб турган юртнинг тоғу боғлари, денгизу дарёлари, ўрмонлари акс этган.

Диссертациянинг «Хитой тилидаги соматик фразеологизмлар семантикаси» деб номланган иккинчи бобида «бош», «кўз», «юрак» тана аъзолари билан боғлиқ соматик фразеологизмлар ва уларнинг маъно нозикликлари ёритилган. Қадимда инсон ўз атрофидаги дунёни танасининг

<sup>26</sup> 马国凡. 成语 概论. 内蒙古人民出版社 呼和浩特 1973 年 – 30 页. Mǎ Guófán. Иборалар ҳақида умумий тушунча. – Нһһһһһһһ: Ички мўғул халқ нашриёти, 1973. –Б.30.


<sup>27</sup> 现代汉语. 北京师范大学出版社, 1984 年. – 229 页. Ҳозирги замон хитой тили. – Пекин филология университети нашриёти, 1984. – Б. 229.

<sup>28</sup> 汉语成语大全. 北京, 2017 年. – 1437 页. Хитой тилидаги фразеологик иборалар қомуси. – Пекин, 2017. – Б. 1437.

қисмлари, хусусан, боши, қўли ва оёқлари билан ўлчаган. Тана қисмлари номларини мажозий маънода ишлатиб, одамлар ўз фикри ва ҳис-туйғуларини бошқаларга тўлиқ етказадилар, шунинг учун тана қисмларининг номлари ҳозирги тилшуносликда муҳим тадқиқот объектига айланган.

Хитойда киши тана аъзолари билан боғлиқ соматик фразеологизмлар кўп учрайди ва улар амалда фаол қўлланади.

1. Хитой тилида «бош» сўзи «头 tóu, 首 shǒu» ушбу икки иероглиф билан ифодаланади.



Хитой тилида «бош» билан боғлиқ фразеологизмларда донолик ва нодонлик, ақллилик ва ақлсизлик, фикрлаш қобилияти, мардлик, жасурлик, довжораклик, айёрлик каби хислатлар ҳақидаги теран фикрлар жамланган. М.: 抱头鼠窜 bào tóu shǔ cuàn – «сичқон бошини кўтариб қочди» (ўзбекчаси: жуфтакни ростламоқ; қуённинг расмини чизмоқ). Хитой тили фразеологизмларида кўп ҳолларда ишнинг бошланиши *бош* сўзи билан келса, ишнинг тугашини *дум*, *оёқ* сўзлари билан берилади. М.: 从头至尾 cóng tóu zhì wěi – «бошидан думигача» (бошидан охиригача); 虎头蛇尾 hǔ tóu shé wěi – «йўлбарснинг боши, илоннинг думи» (ишни охиригача тугатмаслик). Бу фразеологизмда *йўлбарснинг боши* бирор ишнинг зўр бошланганини ифодаласа, *илоннинг думи* бошланган ишнинг охиригача етиб бормаганлигини билдиради. Бу фразеологизм «умид катта эди, натижа пуч бўлди; ваҳимаси зўр эди, натижаси йўқ бўлди», рус тилида «гора родила мышь» (не довести дело до конца), уйғур тилидаги «гулдири бору ёмғири йўқ» фразеологизмларига тўғри келади.

«头 tóu – бош» сўзи билан шаклланган фразеологизмларни ўрганиш жараёнида унинг қадимда кўпроқ ҳайвонларга, «首 shǒu – бош» эса кишиларга нисбатан қўллангани аниқланди. Ушбу ҳолат соматик фразеологизмларда яққол кўзга ташланади. М.: «挂羊头卖狗肉 guà yángtóu mài gǒuròu – кўйнинг бошини осиб кўйиб, кучукнинг гўштини сотмоқ; айёрлик қилмоқ». Бу соматик фразеологизм бундай қўлланмайди «挂羊首卖狗肉 guà yáng shǒu mài gǒu ròu». 白首穷经 bái shǒu qióng jīng – «бешиқдан қабргача илм изла» фразеологизминини 白头穷经 bái tóu qióng jīng тарзида қўллаш мумкин эмас. Ҳозирги кунда «头 tóu – бош» сўзи инсон ва жонзодларга нисбатан қўлланади, гарчи «首 shǒu» киши боши маъносида ишлатилмас-да, соматик фразеологизмлар таркибида кўп учрайди.


Хитой тилида «бош» сўзи билан келадиган фразеологизмлар гапдаги маънони кучайтириш, сўзловчи фикрини тингловчига бўрттириб етказиш



мақсадида ҳам қўлланади. Жумладан: «头等大事 tóu děng dà shì – биринчи даражали иш»; «头号敌人 tóu hào dí rén<sup>29</sup> – энг катта душман». Хитой тилида «бош» сўзи билан келадиган фразеологизмлар инсоннинг ақл-идрокига ишора қилиб, инсон қобилиятининг баланд-пастлигини ифодалаш билан бирга, унинг нималарга қодир эканлигини ҳам акс эттиради.

2. Хитой тилидаги «кўз» лексемаси иштирокида шаклланган фразеологизмлар ўз маъноларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. У хурсандчилик, хафагарчилик, ғазабланиш, назар-писанд қилмаслик сингари маъноларни ифодайди. Ванг Ли «кўз» сўзи ҳақида тўхталиб, сўз ва ибораларнинг ривожланиши билан 目 mù нинг маъноси аста-секин ортиб, 眼 yǎn нинг ўрнини 眼 yǎn эгаллади. 眼 yǎn Жангуо даврида кам учраган, Хан сулоласи даврига келиб кўпроқ қўллана бошлаган. Тахминан Танг сулоласи давридан кейин 眼 yǎn эса 眼睛 yǎnjīng– «кўз» маъносига ўзгарган<sup>30</sup>, деган фикрни билдирган.

1. 目 mù – қадимда кўз маъносини ифодалаган, ҳозир «кўз; қарамок; кўрмоқ; мундарижа; мақсад» маъноларини ҳам англатмоқда. 目 mù – «кўз» сўзи қадимги адабиётлардаги фразеологизмларда асл маъносида кўп учрайди.



М.: 目不识丁 mù bù shí dīng – «ҳеч нарсани танимаслик; ҳеч нарса билмаслик; алифни калтак деёлмаслик; саводсиз».

а) 使用场合不同 қўлланилишига кўра фарқлари:

目 mù – ёзма адабиётларда қўлланади. 眼 yǎn – оғзаки нутқда ишлатилади.

б) 词性不同 сўз туркумларида ўхшаш бўлмаган жиҳатлари:

目 mù от, феъл бўлиб келади. 眼 yǎn от, ҳисоб сўз бўлиб келади.

她愈加狂妄自大，目中无人 Tā yù jiā kuáng wàng zì dà, mù zhōng wú rén– «У тобора таккабур бўлиб кетди, бошқаларни кўзга илмай қўйди».

2. 眼 yǎn нинг маънолари: Кўз, кўз олдида, навбатдаги, ҳозирги, кўз ишораси, кўз нури, кўз-қулоқ бўлмоқ, пайқамок, ҳисоб сўз каби маъноларни англатиб келади: 眼界开阔 yǎn jiè kāi kuò – «фикр доираси кенг»; 眼光如豆 yǎn guāng rú dòu – «назар доираси тор». «豆 dòu – мош» сўзи, хитой тилидаги фразеологизмларида «назар доираси тор» деган маънода қўлланади.

<sup>29</sup> Акимов Т., Кыраубаев Ж.А. Хитойча-ўзбекча-русча фразеологик луғат. – Т.: Фан, 2002. – Б.64.

<sup>30</sup> 王力.汉语史稿. 北京, 中华书局, 1980年6月(2005年重印)第. – 567页. Wáng Lì. Хитой тили тарихи. Пекин: Zhōnghuá, 1980 (2005 қайта нашр қилинган). – Б.567.

3. 眼睛 yǎnjīng – «кўз» от сўз туркумига хос. 眼睛 yǎnjīng иштирокидаги фразеологизмлар кам учрайди: 火眼金睛 huǒ yǎn jīn jīng<sup>31</sup> – «кўзи чакнаб турмоқ».

Ма Лин, А.М. Ямалетдиноваларнинг фикрича, рус тилидаги фразеологизмларни хитой тилидаги иборалардан ажратиб турадиган томонларидан бири «кўз» сўзининг куйидаги маъноларда намоён бўлишидир: «ёмон кўз» («дурной взгляд»), «кўз тегиш» («сглаз»). Қадимда руслар «кўз тегиш», «кинна кириш»га ишонишган ва «кўз тегиш»дан қўрқишган<sup>32</sup>. Лекин «кўз тегди; тили ёмон» фразеологизмлари хитой тилида «кўз» сўзи билан эмас, «оғиз» лексемаси орқали шаклланади. М.: 乌鸦嘴 wūyā zuǐ – «қарғанинг оғзи» (кўзи ёмон; кўз тегди; тили ёмон) каби маъноларни англатади. 小心你的乌鸦嘴, 千万要免开尊口 Xiǎoxīn nǐde wūyā zuǐ, qiānwàn yào miǎn kāi zūnkǒu – «Эҳтиёт бўл, кўзинг тегмасин, умуман оғзингни очма».

Кўз билан боғлиқ соматик фразеологизмларда кишилар ўртасидаги муносабатлар, чунончи, кўзга илмаслик, катта кетиш, хурсанд бўлиш, хафа бўлиш каби инсонлар ҳаётидаги ҳар хил кечинмалар ўз аксини топган.


3. Хитой тилида 心 xīn, 心脏 xīnzàng «юрак» билан боғлиқ фразеологизмларда ўзига хос хусусиятлар мужассамлашган, шунинг учун юрак тушунчасини ўрганиш олимларнинг эътиборини жалб қилиб келган. Ўзга халқлар тилларини ўрганиш инсоннинг дунёни билиш, фикрлаш қобилиятини кенгайтирибгина қолмай, дунёдаги барча тилларда турлича акс эттирилган менталликни ҳам англаш имконини беради. Қадимда хитойликлар кўпинча юракни инсоннинг фикрлаш, сезиш, идрок қилиш органи деб билишган. Инсондаги фикрлаш фаолияти ва ҳиссиётнинг ўзгаришидаги яширин туйғуни ажратиб бўлмайди, лекин ҳиссиётнинг ўзгариши, юракнинг уриш ҳаракатларига боғлиқ бўлибгина қолмай, инсоннинг рухий ҳолати ҳиссиёт билан бирга кечади.

Хитой тили иероглифларида ҳам юрак калити билан келадиган сўзларда ҳис-туйғу, ҳурмат маънолари ифодаланган. М.: (你 nǐ – сен)+(心 xīn – юрак)您 nín – сиз; 愛 ài – «яхши кўрмоқ»; (相 xiāng – ўзаро+心 xīn – юрак)想 xiǎng – «ўйламоқ; хаёл қилмоқ; умид қилмоқ; хоҳламоқ, истамоқ; соғинмоқ, эсламоқ»; (咸 xián – бирга + 心 xīn – қалб) 感 gǎn – «сезмоқ; ҳис қилмоқ; ҳиссиёт» каби маъноларни англатади.

汉语大词典 hànyǔ dà cídiǎn («Хитой тили катта луғати»)да, 心 xīn «юрак» нинг 13 та маъноси борлиги қайд этилган: (1) юрак; (2) одам ва ҳайвонларнинг қон айлантириш органи; (3) характер; (4) фикрлаш органи; (5) фикр, ғоя, ҳис-туйғу; (6) ўйламоқ, режалаштирмоқ; (7) ғамхўрлик қилмоқ; (8) дарахт ва гулларнинг куртаклари; (9) марказ, ўрта; (10) субъектив онг; (11) кўнгил, кайфият, рух, ҳиссиёт; (12) онг; (13) 28та юлдуз номларидан бири.

<sup>31</sup> Ғарбга саёҳат. мультсериал. 10- қисм. Акимов Т. таржимаси. – Тошкент, 2006.

<sup>32</sup> Ма Лин, Ямалетдинова А.М. Фразеологизмы, характеризующие человека, в русском и китайском языках. // Вестник Башкирского университета, 2016. Т. 21. №4.



